

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 24 (1255)

2020 ЙИЛ 25 ИЮНЬ

“ТУРОНБАНК”НИНГ 2020 ЙИЛГИ ХАЛҚАРО КРЕДИТ РЕЙТИНГИ БАРҚАРОР

Халқаро нуфузли рейтинг компанияси – “S&P Global Ratings” агентлиги “Туронбанк” кредит рейтингини “В/В” даражасида тасдиқлаб, унинг истиқболлини “Барқарор” дея эътироф этди. Ушбу даража банкнинг асосий кўрсаткичлари ўсиш суръатларининг самарадор эканлиги, кредитлаш салоҳиятининг юқорилиги, миқдорлар, ҳамкорлар ва сармоядорлари олдида ишончлилигини ифодалайди.



“S&P Global Ratings” агентлиги ушбу рейтингни аниқлашда “Туронбанк”нинг йиллик молиявий фаолияти, капиталлашув даражаси, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалардаги иштироки, қутилмаган пандемия шароитидаги фаоллиги каби қатор муҳим жиҳатларни ўрганиб, таҳлил қилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, “Туронбанк” ўзининг кредит рейтинг кўрсаткичларини йилдан-йилга яхшилаб бормоқда. Хусусан, 2012 йилда “S&P Global Ratings” банкка “В-С” даражасини берган бўлса,

2017 йилга келиб, ушбу кўрсаткич “В-В” даражасида белгиланган, 2018 йилда эса, рейтинг баҳоси “В/В” даражасига кўтарилди ва мана икки йилдирки “Барқарор” кўринишда сақланиб қолинмоқда.

Етакчи рейтинг компанияси томонидан тақдим этилган ушбу халқаро даражадаги рейтинг “Туронбанк” фаолияти самарадорлигини ҳамда ўз вазифаларини тўлақонли бажараётганлигини билдиради. Бу эса, унинг халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётганидан далолатдир.

Банк Ахборот хизмати

ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИ ТОМОНИДАН “ИПОТЕКА-БАНК”КА УНИНГ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛИШINI ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ КРЕДИТЛАШ ҲАЖМЛАРИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА 35 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИ АЖРАТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги тегишли Фармони билан “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси” тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ Ипотека-банкни Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда хусусийлаштириш чораларини кўриш белгиланган.



(Давоми 2-саҳифада)

“ТРАСТБАНК” ЭЪТИРОФДА

Жорий йилнинг 18 июнь куни Осие кредит рейтинглари агентлиги ассоциацияси аъзоси - “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкига 2019 йил якуни бўйича миллий шкалада “uzA+” жуда юқори “Ижобий” прогнозли кредит рейтингини тақдим этди.



Эслайтиб ўтамиз, “Трастбанк” бундан ташқари 2019 йилнинг 20 декабрь ойида катта учликка кирувчи “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлигининг миллий ва хорижий валютадаги, дефолт эмитендида (РДЭ), узоқ муддатли рейтингларини “В” даражасидаги прогноз рейтинг баҳосини олган эди.

Finance.uz



ЖОНДОРДА ЯНГИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Халқ банки Жондор тумани филиали томонидан деҳқон бозори ҳудудида аҳолига банк хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш ва миқдорларга қулайликлар яратиш мақсадида “Банк хизматлари маркази” очилди.

Янгидан ташкил этилган марказда юридик ва жисмоний шахсларга кенг қўламли банк ва консалтинг хизматлари кўрсатилади. Хусусан, жисмоний шахслар учун микроқарз, овердрафт ва бошқа кредитларни расмийлаштириш, пластик карта очиш каби имкониятлар яратилган.

Янги очилган “Банк хизматлари

маркази”да миқдорларга интерактив мобил банк хизматлари кўрсатилади ва зарурий маслаҳатлар берилади.

Мазкур марказ нафақат бозор ҳудудидаги тадбиркорларнинг, балки ҳудуд аҳолисининг ҳам турли банк хизматларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилади.

Банк Ахборот хизмати



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбарияти Тошкент вилоятининг Чирчиқ ва Олмалиқ шаҳарлари, Қибрай, Паркент, Янгийўл, Юқори ва Ўрта Чирчиқ, Бўка, Зангиота ҳамда Тошкент туманларига ташир буюриб, жойларда тўлов хизматларидан фойдаланувчилар учун яратилган шарт-шароитлар ўрганилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ТЎЛОВ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ҲОЛАТИ БЎЙИЧА МОНИТОРИНГ ЎТКАЗИЛДИ



Хусусан, мазкур ҳудудларда мавжуд чакана тўлов тизимлари инфратузилмасида аҳолининг кенг қатламига кўрсатилаётган хизматлар сифати ва улуксизлиги, савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларида банк карталари орқали тўловларни амалга оширишда қўлланилаётган ҳисоб-китоб терминалларининг етарлилиги ҳамда ишчи ҳолатда эканлиги бевосита мониторинг жараёнида кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларига миллий тўлов тизимлари терминалларининг қулайликлари ва имкониятлари тўғрисида




қўшимча маълумотлар тақдим этилиб, улардан тўғри ҳамда самарали фойдаланиш бўйича зарур кўникмаларнинг мавжудлиги ўрганилди ва бу борада тўлов терминаллари орқали барча амалиётларни, шу жумладан, контактсиз тўловларни бажариш бўйича батафсил тушунчалар берилди.

Ҳозирги кунда Тошкент вилояти бўйича қарийб 1,4 млн. дона банк карталари муомалага чиқарилган бўлиб, жойларга 320 дона банкомат ва 40,5 мингта тўлов терминаллари ўрнатилганлигини қайд этиш жоиздир.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАДБИРКОРЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАСАЛАЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

Марказий банк раҳбариятининг Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидаги учрашувлари давомида тадбиркорларни қийнаётган муаммолар ўрганилиб, уларни ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилди.



Учрашувлар якуни бўйича тижорат банклари масъул ходимлари билан биргаликда кредит маб-лағларига талаби мавжуд корхоналарга ўрнатилган тартибда кредитни расмийлаштириш жараёни бошланди.



Шу билан бирга, жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасида банклар фаолиятини такомиллаштириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИ ТОМОНИДАН “ИПОТЕКА-БАНК”КА УНИНГ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛИШINI ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ КРЕДИТЛАШ ҲАЖМЛАРИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА 35 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИ АЖРАТМОҚДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Узаро ҳамкорлик дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг 22 июнь куни Молия вазирлиги, Тарақиёт ва тикланиш жамғармаси, Ипотека-банк ҳамда Халқаро молия корпорацияси ўртасида бир қатор Келишувлар имзоланди.

Бу нафақат Ипотека-банк учун, балки бутун Ўзбекистон банк тизими учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, республика банк тизими тарихида илк бор давлат улуши иштирокидаги банк томонидан акцияларга айирбошлаш имконияти бўлган хорижий инвестициялар жалб қилинмоқда.

Жаҳон банки гуруҳининг таркибига кирувчи Халқаро молия корпорацияси (ХМК) Ипотека-банкнинг хусусийлаштирилишини қўллаб-қувватлаш ҳамда Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш қўламини кенгайтириш учун 35 млн. АҚШ доллари эквивалентида, миллий валютадаги заёмни тақдим этади. Шу билан бирга, миллий валютадаги молиялаштириш, мамлакатдаги етакчи давлат банклари билан биринчи рақобатдош хусусий тижорат банкига айланишида ёрдам беради.

халқаро тажриба ва замонавий технологияларни жалб қилади, натижада ушбу жараён банк ва унинг миջозларига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳозирги вақтда давлат банкларининг Ўзбекистон банк секторидан консенстрацияси юқори; мамлакатдаги 30 та банкнинг бештаси тўлиқ давлатга тегишли, қолган саккизта банкда эса давлатнинг 50 фоиз улуши мавжуд.

ХМКнинг Европа, Марказий Осиё, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси бўйича вице-президенти Жоржина Бейкернинг таъкидлашича: “ХМКнинг молиялаштириши ҳамда сўнгги йиллар мобайнида тақдим этилган маслаҳат хизматлари билан бир қаторда, ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва Ўзбекистоннинг молиявий секторидан хусусий сектор иштирокини ошириш бўйича ҳаракатларнинг бир қисmidир. Инвестициялар Ипотека-банкга хусусий секторни капиталга жалб қилиш ва мамлакатдаги кичик ва ўрта бизнесни кредитлашни кенгайтиришга қаратилган режани самарали амалга оширишда ёрдам беради”.

ХМК Ипотека-банк билан 2017 йилдан буён банкнинг тижорат фаолиятини, корпоратив бошқаруви ва



Хусусий инвестицияларни жалб қилишдаги стратегик устувор йўналишлардан бирини акс эттиради. Кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш ҳажмини ошириш билан бир қаторда, Ипотека-банкнинг қайта трансформацияси бошқа давлат банкларини хусусийлаштириш учун намуна бўлиб хизмат қилади ва хусусий инвесторларнинг Ўзбекистон банк секторига фаол жалб қилишда хизмат қилади.

“Ўзбекистон ва ХМК ўртасидаги ушбу ҳамкорлик яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан тасдиқланган банк тизимини ислох қилиш стратегиясига ҳам мувофиқ”- дея таъкидлади Бош вазир ўринбосари, Жамшид Қўчқоров. “ХМК томонидан тақдим қилинаётган молиялаштириш, ўтган уч йил давомида Ипотека-банк томонидан олиб борилган, банк операцияларини тижоратлаштириш ва уни мустақил равишда фаолият кўрсатадиган молиявий институтга айлантиришга қаратилган чораларнинг муҳим эътирофидир”.

Банк тизимини ислох қилиш борасидаги сайё-ҳаракатлар доирасида, банклардаги давлат улушини инвесторларга топшириш кўзда тутилган. Хусусийлаштириш хусусий капитал,

хавфларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш орқали институционал трансформациясини амалга ошириш мақсадида ҳамкорлик қилмоқда, бу эса ушбу инвестициялар учун зарур шарт-шароитларни яратди.

Марказий Осиёда аҳоли зичлиги энг юқори бўлган мамлакат мисли кўрилмаган иқтисодий ислохотларни амалга оширмоқда. ХМК ушбу ислохот жараёнини асосий соҳаларда инвестиция ва маслаҳат хизматларини тақдим этиш орқали қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ҳозирги вақтда ХМКнинг Ўзбекистондаги инвестиция портфели 53 миллион долларни ташкил этади ҳамда молия ва тўқимачилик соҳасидаги лойиҳаларни ўз ичига олади. ХМКнинг маслаҳат дастурлари давлат корхоналарини, шу жумладан давлат банкларининг 2 тасини хусусийлаштиришда; пахта соҳасини ислох қилиш; молия бозорини ривожлантириш ва диверсификация қилиш; соғлиқни сақлаш ва энергетика соҳаларида давлат ва хусусий шериклик алоқаларини амалга оширишда ёрдам беради.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ халқаро инвесторлар орасида миллий валютада 3 йиллик таъминланмаган кредит ноталарини хусусий тарзда жойлаштириш орқали 50 миллион АҚШ долларига тенг молиялаштиришни жалб қилди.

“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” 50 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИГА ТЕНГ ТАЪМИНЛАНМАГАН СИНТЕТИК КРЕДИТ ЖАЛБ ҚИЛДИ

Жаҳон фонд бозорларида корона-вирус пандемияси таъсирида кузатилаётган ноаниқлик ва тебранишларга қарамай, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг кредит ноталарга етакчи инвестор сифатида иштирок этган Eaton Vance Management ва унинг аффилиланган фондлари билан салмоқли битимни муваффақиятли амалга оширди, бу эса халқаро инвесторларнинг Ўзбекистон Республикасидаги сифатли қарз олувчиларга қизиқиш мавжудлигидан далолат беради. Ўзсаноатқурилиш-банкнинг мавқеи бизнес-моделли, молиявий кўрсаткичлари ва барқарорлиги мазкур битимни муваффақиятли амалга оширишга кўмаклашди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу келишув мамлакатимиз бозори учун ноанъанавий бўлган қарз инструментларидан фойдаланган ҳолда тизимлаштирилди. Нидерландия Қироллигида ташкил этилган махсус молиявий тузилманинг ўзбек сўмида денонминация қилинган кредит ноталарини хусусий тарзда жойлаштириш воситасида “Ўзсаноатқурилишбанк”ни молиялаштириш амалга оширилди. Жалб қилинган маблағлар

мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва иш ўринларини яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини молиялаштиришга қаратилади ҳамда банкнинг валюта таваккалчилигини камайтириш имконини беради.

Бу банкнинг халқаро бозорларда қарз инструментларини иккинчи бора жойлаштируви бўлиб, 2019 йил охирида Ўзсаноатқурилишбанк Лондон фонд биржасида 300 миллион АҚШ доллари миқдоридagi илк корпоратив еврооблигацияларини чиқарган эди.

Eaton Vance Management ва унинг аффилиланган фондлари (Eaton Vance) бутун дунё бўйича инвесторларга инвестицион стратегиялар ва активларни бошқариш соҳасида илғор ечимларни тақдим этмоқда. 2020 йил 30 апрель ҳолатига кўра, Eaton Vance бошқарувидаги бирлаштирилган (консолидация қилинган) активлари 465,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Catara Consulting Europe кредитни тузилмаштиришни амалга оширди. White & Case LLP ва Kinstellar эса, юридик маслаҳатчи сифатида қатнашди.

ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚИЁТ БАНКИ КЎМАГИДА КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Жорий йилнинг 23 июнь куни “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ва Европа тикланиш ва тарақиёт банки ўртасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, экспортчилар ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини молиялаштириш учун 40 млн. АҚШ долларига тенг кредит линияси ажратилиш бўйича қарз битими имзоланди.



Мазкур битим “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБга республикаимиз бўйлаб жойлашган бўлимларининг кенг тармоғи орқали ЕТББ кредит линияси маблағларини тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларига йўналтириш имконини бериб, коронавирус пандемияси шароитида уларни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтиришга хизмат қилади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ва ЕТББ ўртасида ҳамкорликнинг фаол босқичи 2019 йилда бошланган бўлишига қарамай, бу банклар ўртасидаги учинчи битим ҳисобланади. Бугунги кунга қадар “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ЕТББнинг “Савдони ривожлантиришга кўмаклашиш дастури” доирасида эмитент ва тасдиқловчи банк сифатида иштирок этиш ҳамда “Револьвер кредитини ажратиш бўйича” битимлар доирасида банк миқдорларининг экспорт-импорт амалиёт-

ларини молиялаштириб келаётган эди.

Бундан ташқари, ЕТББ банкни хусусийлаштиришга тайёрлаш, газначилик амалиётларини такомиллаштириш ҳамда ходимлар малакаси ва миқдорлар молиявий саводхонлигини ошириш масалалари юзасидан банкка маслаҳатлар беради.

Маълумот учун: Европа тикланиш ва тарақиёт банки 1991 йилда таъсис этилган. 65 та мамлакат, Европа Иттифоқи ва Европа инвестиция банки ЕТББнинг акциядорлари ҳисобланади. ЕТББ банк тизимларини ислоҳ қилиш, нархларни либераллаштириш, хусусийлаштириш, зарур меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш, малакали маслаҳат бериш, касбий тайёргарлик ва техник кўникмаларга ўргатиш ҳамда йирик инвестицияларни хусусий ва давлат секторига тақдим этиш каби тадбирларда фаол иштирок этади.

ҚҚС БЎЙИЧА АМАЛ ҚИЛАЁТГАН ИМТИЁЗЛАР 1 ОКТЯБРДАН ҚИСҚАРТИРИЛАДИ

Президентнинг 19.06.2020 йилдаги “Алоҳида солиқ ва боғхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида”ги ПФ-6011-сон Фармони қабул қилинди.

Ҳужжат билан иккита қонун киритилади:

солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқлар бўйича имтиёзлар, агар уларнинг ўзида ушбу солиқдан озод қилиш тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса, ижтимоий солиққа нисбатан татбиқ этилмайди;

норезидентлар ҳисобланган юридик шахслардан солиб олинadиган ишлар (хизматлар) учун ҚҚС бўйича берилган имтиёзлар, Ўзбекистонда доимий муассасалар орқали фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар-норезидентлар томонидан тақдим этиладиган ишларга (хизматларга) татбиқ этилмайди.

Шунингдек Фармон билан ҚҚС бўйича имтиёзларни бекор қилиш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Солиқ кодекси, “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ва “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунларга мувофиқлаштириш назарда тутилган. Хусусан, 2020 йил 1 октябрдан қуйидаги ҳолатларда ҚҚС бўйича имтиёзлар бекор қилинади:

а) “Женерал Моторс Ўзбекистон” АЖ расмий дилерларининг автомобилларни таъмирлаш ва уларга сервис хизматлари кўрсатиш, жумладан ушбу хизматларни кўрсатиш вақтида ўрнатилadиган эҳтиёт қисмлар, узеллар, агрегатлар ва материалларнинг нархлари, шунингдек эҳтиёт қисмлар, узеллар, агрегатлар ва материалларни уларнинг савдо тармоқлари орқали сотишда;

б) нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини амалга оширувчи хорижий компаниялар, шунингдек улар томонидан жалб этиладиган хорижий пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотлари томонидан қидириш, разведка қилиш ва бошқа тегишли ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган ускуналарни, моддий-техника ресурслари ва хизматларни импорт қилишда;

в) “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси аъзолари томонидан импорт қилинадиган пахта, сунъий ва синтетик тола, жун, хомашё ва бошқа материаллар бўйича.

Бундан буён импорт божи ва акция солиғи бўйича имтиёзлар тўқимачилик саноатининг барча корхоналарига татбиқ этилмайди;

г) электротехника саноати корхоналари томонидан импорт қилинадиган ускуналар ва материаллар бўйича;

д) “Ўзчармсаноат” уюшмаси аъзолари томонидан импорт қилинадиган ускуналар ва бутловчи буюмлар бўйича (3.05.2018 йилдаги ПҚ-3693-

сон қарорга қаранг). Бундан буён импорт божи ва акция солиғи бўйича имтиёзлар чарм, мўйна хомашёси ва жун тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш, чорва молларини автоматлаштирилган ҳолда сўйиш, жун, қоракўл ва сунъий чармдан буюмлар, чарм-аторлик маҳсулотлари, пойабзал ишлаб чиқариш билан шугулланadиган ташкилотларга татбиқ этилади.

Шунингдек Фармонда товарларни Ўзбекистонда реализация қиладиган корхоналар томонидан экспорт қилувчи корхоналар учун назарда тутилган имтиёзларни қўллашга оид низоли масалалар тартибга солинган.

Ёш оилаларни, қурувчиларни, шунингдек кредит бўйича биргаликда қарз олувчилар ҳисобланган уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ипотека кредити доирасида ЖШДС бўйича имтиёзларнинг амал қилиш мuddати 2021 йил 1 январга қадар узайтирилди. Осиё тараққиёт банки экспертларининг хулосасига кўра ипотека кредити бўйича ЖШДСдан озод этиш номунаносиб равишда даромади юқори бўлган оилаларга кўпроқ даромад келтирмоқда.



Маълумот учун: Солиқ кодексига мувофиқ яқка тартибдаги уй-жойнинг ёки кўп қаватли уйдаги хонадоннинг қиймати 300 млн. сўмдан ошмаса ҳамда у дастлабки бадалнинг ва (ёки) ипотека кредити бўйича фойзаларнинг бир қисmini қоплаш учун бюджетдан ажратилган субсидияларни ҳисобга олган ҳолда олинган бўлса, олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фойзаларни солиқ даври давомида жами 15 млн. сўмгача бўлган миқдорда қоплашга йўналтириладиган солиқ тўловининг иш ҳақи ва бошқа даромадларига солиқ солинмайди.

Шунингдек қуйидагилар учун имтиёзлар назарда тутилган ҳужжатлар мувофиқлаштирилди:

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиладиган корхоналар;
махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари.

“УНИВЕРСАЛ БАНК” АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

Рўйхат рақами: УзР МБнинг 2018 йил 14 июльдаги 68-сонли лицензияси.
Юридик манзили: 150700, Фаргона вилояти, Қўқон шаҳри, Шохрухобод кўчаси

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ 2019 йил 31 декабрь ҳолатига		
Моддалар	(минг ўзбек сўмида)	
	2019 йил 31 декабрь	2018 йил 31 декабрь
АКТИВЛАР		
Нақд пуллар ва уларнинг эквивалентлари	125 245 865	79 455 573
Бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар	24 620 279	10 501 532
Мижозларга берилган кредитлар	541 803 187	298 979 172
Қимматли қўғозларга инвестициялар	4 028 714	3 991 714
Асосий воситалар	59 468 680	26 183 363
Номоддий активлар	612 503	579 377
Фойда солиғи бўйича жорий активлар	1 411 229	-
Солиқ талаблари	665 323	507 167
Бошқа активлар	10 460 120	5 218 532
ЖАМИ: АКТИВЛАР	768 315 900	425 416 430
МАЖБУРИЯТЛАР		
Кредит ташкилотлари маблағлари	4 695 729	1 291 224
Мижозларнинг маблағлари	590 948 167	295 279 747
Чикарилган қарз қимматли қўғозлари	-	401 302
Бошқа жалб этилган маблағлар	48 766 603	19 117 127
Солиқ мажбуриятлари	-	127 505
Бошқа мажбуриятлар	3 684 109	1 611 821
ЖАМИ: МАЖБУРИЯТЛАР	648 094 608	317 828 726
ХУСУСИЙ САРМОЯ		
Устав капитали	100 000 000	100 000 000
Эмиссион даромад	72 333	72 333
Тақсимланмаган фойда	20 148 959	7 515 371
ЖАМИ: ХУСУСИЙ САРМОЯ	120 221 292	107 587 704
ЖАМИ: МАЖБУРИЯТЛАР ВА ХУСУСИЙ САРМОЯ	768 315 900	425 416 430

ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ 2018 йил ва 2019 йил 31 декабрь ҳолатига		
Моддалар	(минг ўзбек сўмида)	
	2019 йил	2018 йил
Фоидали даромадлар	79 420 502	32 258 915
Фоидали харажатлар	(31 035 967)	(12 389 936)
Соф фоидали даромад	48 384 535	19 868 979
Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захира	(1 605 201)	(348 534)
Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захира чегирилгандан кейинги соф фоидали даромад	46 779 334	19 520 445
Воситачилик даромадлари	20 052 782	14 653 440
Воситачилик харажатлари	(4 339 618)	(2 771 907)
Хорижий валютадаги операциялар бўйича фойда(зарар)	2 407 086	1 548 137
Молиявий инструментларни дастлабки тан олишдаги соф зарар	(154 227)	-
Бошқа фоидали даромадлар	860 691	654 602
Жами воситачилик даромадлар	18 826 714	14 084 272
Ишчи ва хизматчиларга қилинган харажатлар	(23 783 831)	(11 499 577)
Эскириш ажратмаси	(3 570 633)	(2 172 882)
Бошқа маъмурий харажатлар	(19 370 869)	(11 309 166)
Бошқа активларни қадрсизланиши бўйича захира	-	-
Жами маъмурий харажатлар	(46 725 333)	(24 981 625)
Фойда солиғи тўлангунга қадар соф фойда(зарар)	18 880 715	8 623 092
Фойда солиғини баҳолаш	(3 547 127)	(2 523 287)
Йил якуни бўйича соф фойда(зарар)	15 333 588	6 099 805
Йил якунига ялпи даромад	15 333 588	6 099 805

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ 2018 йил ва 2019 йил 31 декабрь ҳолатига		
Моддалар	(минг ўзбек сўмида)	
	2019 йил	2018 йил
Операцион фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати		
Олинган фоидалар	75 405 108	29 381 746
Тўланган фоидалар	(29 425 493)	(12 045 729)
Воситачилик ҳақи учун тўлов шаклида олинган маблағлар	20 052 782	14 653 440
Воситачилик ҳақи учун тўланган маблағлар	(4 202 495)	(2 539 974)
Олинган дивидендлар	-	363 000
Хисобдан чиқарилган кредитларни қоплаш	823 691	752 586
Хорижий валютадаги операциялардан олинган даромад	1 755 413	1 005 753
Ходимларни сақлаш учун тўланган харажатлар	(23 265 995)	(11 327 411)
Маъмурий ва бошқа операцион харажатлар учун тўловлар	(19 370 869)	(8 424 679)
Тўланган даромад солиғи	(5 244 017)	(902 237)
Операцион актив ва мажбуриятлардаги ўзгаришларгача бўлган операцион фаолиятдаги пул маблағлари ҳаракати	16 528 125	10 916 495
Операцион активлардаги ўзгаришлар (ўсиш/камайиш)		
Бошқа банклардаги маблағлар	(14 206 580)	7 690 424
Берилган кредитлар ва бунақлар	(240 200 473)	(193 001 649)
Бошқа активлар	(5 326 487)	(3 789 351)
Операцион мажбуриятлардаги ўзгаришлар (ўсиш/камайиш)		
Бошқа банкларнинг маблағлари	3 402 640	(3 705 313)
Мижозларнинг маблағлари	294 490 750	120 591 167
Бошқа мажбуриятлар	1 384 927	100 071
Операцион фаолият бўйича пул маблағларининг соф ҳаракати	56 072 902	(61 198 156)
Инвестицион фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати		
Инвестицион қимматли қўғозларни қайтаришдан тушум.	-	326 143
Асосий воситалар ва номоддий активлар хариди.	-32 843 395	(7 333 387)
Асосий воситалар реализациясидан тушум.	381 422	-
Инвестицион фаолият бўйича пул маблағларининг соф ҳаракати	(32 461 973)	(7 007 244)
Молиявий фаолият бўйича пул маблағлари		
Бошқа турдаги жалб қилинган қарз маблағлар	26 800 229	17 371 466
Қайтарилган бошқа турдаги жалб қилинган қарз маблағлар	(2 008 794)	0
Акцияларни муомалага чиқаришдан тушумлар	-	75 364 199
Депозит сертификатларни чиқарилишидан тушум	-	700 000
Депозит сертификатлар бўйича тушумларни қайтарилиши.	(401 302)	(300 000)
Тўланган дивидендлар	(2 700 000)	(4 273 239)
Молиявий фаолият бўйича пул маблағларининг соф ҳаракати	21 690 133	88 862 426
Валюта курсидаги ўзгаришларнинг пул маблағлари ва улар эквивалентларига таъсири	651 673	695 910
Кутилаётган кредит йўқотишларининг пул маблағлари ва улар эквивалентларига таъсири	(162 443)	(9 168)
Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф кўпайиши/камайиши	45 790 292	21 343 768
Йил бошига пул маблағлари ва улар эквивалентлари	79 455 573	58 111 805
Йил охирига пул маблағлари ва улар эквивалентлари	125 245 865	79 455 573

САРМОЯДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ 2018 йил ва 2019 йил 31 декабрь ҳолатига				
Моддалар	(минг ўзбек сўмида)			
	Устав сармояси	Эмиссион даромад	Тақсимланмаган фойда	ЖАМИ
2018 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ	24 403 868	72 333	7 676 247	32 152 448
МҲХС (IFRS) 9 ни жорий этилиши таъсири	-	-	(1 987 442)	(1 987 442)
МҲХС (IFRS) 9 ни жорий этилгандан сўнг 2018 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ	24 403 868	72 333	5 688 805	30 165 006
Жорий йил фойдаси	-	-	6 099 805	6 099 805
Йил давомидаги жами ялпи даромад	-	-	6 099 805	6 099 805
Муомалага чиқарилган акциялар	75 596 132	-	-	75 596 132
Тўланган дивидендлар	-	-	(4 273 239)	(4 273 239)
2018 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқ	100 000 000	72 333	7 515 371	107 587 704
2019 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ	100 000 000	72 333	7 515 371	107 587 704
Жорий йил фойдаси	-	-	15 333 588	15 333 588
Бошқа ялпи даромадлар	-	-	-	-
Жами йил давомидаги ялпи даромади	-	-	15 333 588	15 333 588
Муомалага чиқарилган акциялар	-	-	-	-
Тўланган дивидендлар	-	-	(2 700 000)	(2 700 000)
2019 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқ	100 000 000	72 333	20 148 959	120 221 292

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги “Эрнст энд Янг” МЧЖ аудиторлик компанияси томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2019 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботларининг тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида мавжуд.

БИР ФОИЗЛИК КРЕДИТ ҲАМ БОРМИ?..



Бир фоизлик кредит борми?.. Албатта, бор. Қаерда дейсизми? Бу – сеҳрли диёр бўлмиш Америкада. Келинг, сизни АҚШ кредит тизими билан яқиндан таништиришга ҳаракат қиламиз.

Америкаликларнинг ҳаёти, турмуш тарзи ва дунёқарashi ҳақида кўпчилигимиз телевизору кинофильмлар орқали тасаввурга эгамиз. Бир қарашда америкаликларнинг ҳам, ташвиши йўқдек кўринади. Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу, деганларидек, аслида америкаликларни ҳам қийнайдиган масалалар талайгина. Хусусан, уларнинг аксарияти умри ва даромадининг катта қисмини кредитдан қутулишга сарфлашини ҳаммамиз ҳам билмаймиз.

Бинобарин, 2019 йилда мамлакатдаги уй-ҳўжаликларнинг умумий қарздорлиги 601 миллиард АҚШ долларига ортди. Бу эса сўнгги 12 йилдаги максимал ўсиш кўрсаткичидир. Бу ҳақда Нью Йорк шаҳридаги Федерал захира банки вакиллари маълум қилди. Натижада америкаликларнинг банклардан олинган ялли қарздорлиги 14,15 триллион АҚШ долларига етди. 2019 йилда кўпайган кредитнинг салмоқли қисми ипотека кредитига тўғри келди. Уларнинг ҳажми 433 миллиард АҚШ долларига ўсди ва 2007 йилдан буён кузатилган максимал кўрсаткич қайд этилди. 2019 йил охирига бориб ипотека кредитининг умумий ҳажми 9,95 триллион АҚШ долларига тенг бўлди. Истеъмол кредитининг қолган турдагиси ҳажми 4,2 триллион АҚШ долларига тўғри келди.

Шунга қарамай, мутахассислар ҳозирча хавотир олишга ўрин йўқлигини маълум қилмоқда. Нью Йоркдаги Федерал захира банки катта вице президенти Вилбертван дер Клаунинг фикрича, гарчи ипотека кредити ҳажми 2008 йилдаги рекорд натижадан

ҳам ўзиб кетган бўлса-да, тўлаш муддати узайтирилган кредит ҳажми тобора қисқариб бораётгани кувонарли ҳолдир.

JP Morgan Chasening бош иқтисодчиси Майкл Феролнинг Wall Street Journal (WSJ) нашрига берган интервьюсига кўра, ипотека кредитининг ҳажми ўсаётгани аввало аҳолининг даромади ошаётганлиги билан боғлиқ бўлиб, вазият "аввалгидек ёмон эмас"лигини билдиради.

Ҳозирги АҚШ авлоди кредит ҳисобига яшайдиган илк авлод эмас. Бу кредит олиш анъанаси узоқ йиллардан буён сақланиб келади. Яъни мамлакатда маҳсулот ва пул ўртасидаги муносабат шундай ўрнатилганки, ушбу муносабат қарз ҳисобига маҳсулотга эга бўлмасдан туриб яшашга йўл қўймайди. Ҳаммаси мактабданок бошланади.

Мактабни битирган ҳамоноқ ёшларнинг ўз кунини ўзи кўриш, мустақил яшаш ва даромад топиш анъанаси тарихи узоқ йилларга бориб тақалади. Оила қуриш ва кредитга уй сотиб олиш ҳам ёшларнинг мустақил қарори асосида амалга оширилади. Катта миқдордаги мулкни кредитга олишдан аввал му-

камал кредит тарихига эга бўлиш шarti одамларга энг арзон маҳсулотни ҳам қарзга олиш ва бу қарзни ўз вақтида узиш амалиётига мурожаат қилишни назарда тутди. Яъни кичик турдаги маҳсулотни кредитга олган фуқаро қарзни ўз вақтида қоплаши орқали ўзи учун қўшимча балл тўплашга интилади. Қарабсизки, хонадондаги ҳар бир нарсани кредитга олганлар сафи кўпайиб боради. Ахир, мукамал кредит тарихи мустақил яшашга интилаётган, яқин келажақда ўз уйига эга бўлишни истаган ҳар бир оилга керак.

Умуман олганда, АҚШда қандай қилиб кредит олиш мумкин? Кредит тўланмаган тақдирда нима бўлади?


АҚШда кредит олиш учун мамлакатдаги банклардан бирида ҳисобрақам очиш ва ижтимоий суғурта рақамига эга бўлиш талаб этилади. Бу суғурта рақами деярли ҳар қандамда сўраладиган ҳужжат саналади. Мазкур ҳужжатларни мамлакат фуқароси бўлмаганлар ҳам қўлга кирита олади. Яна бир йўли – бу "грин карта" ютиш ёки мулк сотиб олиш.



Агарда юқоридаги шартларга тўла мувофиқ келсангиз, АҚШ кредит тизимидаги имкониятлардан баҳраманд бўла оласиз. Бу тизимнинг яна бир ўзига хос жиҳати – фоиз ставкаларининг пастлигида намоён бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Америкада деярли ҳар бир ишга лаёқатли инсон кредит олишга ҳаракат қилади.

Кредит олиш осонлиги билан бир пайтда фоиз ставкалари қарийб 1 фоизга тенглиги унинг жозибадорлигини оширади. Масалан, автомобилни



кредитга олмоқчи бўлган инсон автосалонга келади ва 30 дақиқадаёқ 6 йил муддатга, 1,5 фоизлик кредит шартлари билан автомобилни олиб чиқиш кета олади.

Кредит тарихи нафақат қарз олиш вақтида, балки ишга жойлашиш ва бошқа турдаги имтиёزلарга эга бўлиш давомида талаб этилади. Бошқача айтганда, кредит тарихини "моливий обрў" деб ҳам юритишади. Усиз ишга олинмаслиги мумкин, электрга уланиш, суғурта пакетини харид қилиш, ҳатто мобиль телефон

миқдордаги фоиз қарзлари кўшилиб борилади. Энг ачинарлиси, қарздор қийинчилик билан эришган кредит балларидан маҳрум бўлиши мумкин.

Бу баллар "creditscore" деб аталади. Бу балларга турли кредитларни қоплаш ҳисобига эришилади. Ҳар қандай узилиш ёки кечикиш қарзнинг ҳажми ошиб кетишига ёки кейинги сафар кредит ажратилиши бутунлай рад этилишига сабаб бўлади.

Америкада мажбурий ижро бюро вакиллари йўқ. Қарзни мажбурлаб қайтариш тизими мавжуд эмас. 20 йиллик қамоққа кредитор аввалбошдан қарзни тўлаи олмастлигини билиб туриб кредит олганингизни исботлаб бера олсагина тушасиз. Буни исботлаш эса осон ишмас. Бироқ қарзларни тўлаи олмастлик ҳолати американча яшаш орзусининг сароб эканлигини ёдга солади. Бузилган кредит тарихи ва паст кредит балларига эга бўлиш инсоннинг хар томонлама азобланишига олиб келади. Суғурта компаниялари, банклар ва иш берувчилар сиз учун эшикларини ёпиб қўяди ва энг арзон уйни ҳам сизга ҳеч ким ижарага бермайди. Қонуний иш топиш имкониятисиз қолган инсоннинг эса қарзи борган сари кўпайиб бораверади.

Хуллас, юқоридаги таъкидлаганимиздек, ҳар ернинг ҳам ўзига яраша тош-тарозуси бор, деганлари айни ҳақиқат. Кредитини тўлайман деб уй-жойсиз қолган, мулкни сотган одамлар сони тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда уйсиз одамларнинг сони мамлакатда 60 мингдан ошган. Улар марказий кўчаларда ўзларига вақтинча яшаш жойларини қуришади, ҳатто айрим туманлар бутунлай шундай қўналгоҳлардан иборат бўлиб қолган.

Саодат СОДИҚОВА
Интернет материаллари асосида тайёрлади.

САВОЛ-ЖАВОБ



– Марказий банкнинг асосий ставкаси 15 фоизга пасайса ҳам нега тижорат банкларида фоиз ставкаси ҳамон юқорилиги қолмоқда? Бу айниқса, истеъмо ва ипотека кредитларида кўринмоқда. Бу ҳол Ўзбекистонда молиявий рисклар юқорилигидан даракми?

– Тижорат банкларининг кредит ресурслари бўйича фоиз ставкалари ушбу ресурсларнинг қиймати ва кредитга бўлган талаб даражаси билан боғлиқ. Бугунги кунда иқтисодиётда узоқ муддатли ресурслар бўйича танқислик мавжуд. Шу билан бирга, йиллар давомида йиғилиб келган кредит чанқоқлиги сўнгги икки йилда юзага чиқди. Бу ўз навбатида, фоиз ставкаларининг ошишига олиб келди.

Таъкидлаш жоизки, яқинда бўлиб ўтган Бошқарув йиғилишида кредитлар бўйича фоиз ставкаларини мақбул даражасига пасайтириш бўйича ҳам алоҳида макропроденциал механизм тасдиқланди ва банклар томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича мақбул ставка 21 фоиз этиб белгиланди.

Албатта, янги механизми амалиётга жорий этилиши, инфляция даражаси пасайиб бориши ва иқтисодиётда узоқ муддатли пуллар кўпайиб бориши миллий валютадаги ресурслар нархларининг арзонлашишига ва кредитлаш бозорида фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келади.

– 2020 йил 17 мартдаги “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонунга ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Қонун билан 50 млн. сўмгача қарз олиш мумкин экан. Лекин банкка мурожаат қилсам, 10 млн. сўм олишингиз мумкин деб айтишди. Микроқарз олишнинг шартлари ва қоидаларини тушунтириб берсангиз. Масалан, мен 20 млн. сўм олиш учун қанча ойлик маош кўрсатаман, фоизи қанча, қандай ҳужжатлар керак бўлади ва ҳоказо?

– “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонунга асосан микроқарз қарз олувчига 50 млн. сўмдан ошмайдиган суммада берилиши кўзда тутилган.

Яъни мазкур 50 млн. сўм кредитнинг энг юқори чегараси бўлиб, банклар томонидан миқдорнинг молиявий ҳолати, тўлаш қобилиятидан келиб чиққан ҳолда кредит суммаси мустақил белгиланади.

Аксарият банклар томонидан мазкур кредитларни ажратиш соддалаштирилган тартибда амалга оширилиб, бунда банкка фақат шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ҳарбий гувоҳнома) тақдим этилиши kifoya.

Пандемия шароитида банклар томонидан масофавий банк хизматларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда жисмоний шахсларга онлайн тарзда микроқарз ва овердрафт кредити ажратиш тизими 13 та банкда йўлга қўйилган.

Кредитлар бўйича тўловлар қиймати кредитларнинг муддати ва фоиз ставкасидан келиб чиқиб белгиланади. Масалан, 12 ой муддатга йиллик 24 фоиздан 20 млн. сўм микроқарз олсангиз, ўртача тўлов миқдорингиз 2 млн. сўм атрофида бўлиб, бошқа кредит қарадорликларингиз мавжуд эмаслигини инобатга олган ҳолда, сизнинг ойлик даромадингиз 4 млн. сўмдан кам бўлмалиги лозим. Яъни даромадингизнинг 50 фоизи қарзингизни қоплашга йўналтирилади.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун 2020 йил 15 июнь ҳолатига кўра, қарийб 2,4 трлн. сўм миқдоридан ресурс маблағлари шакллантирилди.

Ушбу маблағлар аввал ажратилган кредитларнинг сўндирилиши ҳисобидан (1,5 трлн. сўм) ҳамда жорий йилда ажратилган жамғарма ва фондлар маблағлари ҳисобидан (0,9 трлн. сўм) шакллантирилди.

Инқирозга қарши чора-тадбирлар доирасида Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари асосида ажратилган кредитларнинг 1,1 трлн. сўмлик тўловлари муддати узайтирилди.

Мазкур ресурслар ҳисобидан 2020 йилнинг ўтган даври мобайнида 51 200 та лойиҳага

жами 1,7 трлн. сўм, жумладан, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида 40 500 та лойиҳага 1,2 трлн. сўм миқдоридан имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Бугунги кунда тижорат банкларида жами 617 млрд. сўм, шу жумладан, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури бўйича 266 млрд. сўм миқдоридан ресурс маблағлари мавжуд. Ушбу маблағлар лойиҳаларни молиялаштириш учун тижорат банкларининг худудий филиалларига йўналтирилган.

Батафсил қуйидаги жадвалда

Шунингдек, худудларда мавжуд маблағларнинг ўзлаштирилиш даражасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан яна 500 млрд. сўм йўналтирилиши кўзда тутилган.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 2020 йилнинг ўтган даврида ажратилган кредитлар ва мавжуд ресурслар тўғрисида маълумот

Т/р	Худуд/Банк номи	Жами ажратилган кредит		Мавжуд ресурс	Шундан, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури бўйича
		сон	суммаси		
15.06.2020 йил ҳолатига млрд. сўм					
Худудлар кесимида					
ЖАМИ:		51 200	1 734,9	617,4	266,5
1	Қорақалпоғистон Республикаси	4 030	158,3	50,2	27,0
2	Андижон вилояти	3 512	164,0	28,4	16,3
3	Бўхоро вилояти	2 702	95,4	40,9	16,7
4	Жиззах вилояти	2 947	95,3	42,1	10,0
5	Қашқадарё вилояти	3 864	138,6	55,2	21,6
7	Наманган вилояти	7 221	192,4	27,8	13,4
6	Навоий вилояти	3 310	98,9	25,1	8,5
8	Самарқанд вилояти	5 042	170,9	54,5	25,7
9	Сурхондарё вилояти	5 028	146,7	33,2	19,7
10	Сирдарё вилояти	1 769	69,9	30,4	12,2
11	Тошкент вилояти	1 986	93,9	87,8	39,9
12	Фарғона вилояти	5 817	183,5	56,7	30,5
13	Хоразм вилояти	3 481	102,1	44,0	15,3
14	Тошкент шаҳри	491	25,1	41,1	9,5
Банклар кесимида					
ЖАМИ:		51 200	1 734,9	617,4	266,5
1	Халқ банки	18 729	590,8	230,3	79,7
2	Агробанк	20 477	737,7	200,2	115,4
3	Микрокредитбанк	11 994	406,5	186,9	71,4


ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА 3,5 ТРЛН. СЎМЛИК ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ АЖРАТИЛДИ

Жорий йилнинг 5 ойи давомида тижорат банклари томонидан 23 438 нафар жисмоний шахсларга 3,5 трлн. сўм миқдоридан (2019 йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 трлн. сўмга кўп) ипотека кредитлари ажратилган.

Мазкур давр мобайнида ажратилган ипотека кредитлари Тошкент шаҳрида 1 683,7 млрд. сўм (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1 369,3 млрд. сўмга кўп), Самарқанд вилоятида 304,5 млрд. сўм (218,2 млрд. сўмга кўп), Сурхондарё вилоятида 196,0 млрд. сўм (87,1 млрд. сўмга кўп), Жиззах вилоятида 148,3 млрд. сўм (37,3 млрд. сўмга кўп) ҳамда Сирдарё вилоятида 104,3 млрд. сўмни (23,8 млрд. сўмга кўп) ташкил этиб, энг юқори ўсиш кўрсаткичлари қайд этилди.

Шунингдек, ипотека кредитлари таркибидан имтиёзли асосда (қайта молиялаш ставкаси доирасида) ажратилган кредитлар улуши 57,6 фоизни (2,04 трлн. сўм), бозор фоизларида ажратилган кредитлар улуши эса 42,4 фоизни (1,5 трлн. сўм) ташкил қилади.

2017-2019 йиллар ва 2020 йил 5 ойи давомида ажратилган ипотека кредитларининг тўғрисида маълумот (млрд. сўмда)



Мазкур 5 ой мобайнида янги тартиб асосида 828 нафар фуқароларга умумий қиймати 159,6 млрд. сўм миқдоридан ипотека кредитлари ажратилди. Ипотека кредитларининг 92,1 млрд. сўми (57,7 фоизи) 2 хонали квартира, 67,5 млрд. сўми эса (42,3 фоизи) 3 ва ундан кўп хонали квартираларни сотиб олиш учун берилган. Ажратилган мазкур ипотека кредитларининг энг юқори ҳажми 24,3 млрд. сўми (15,2 фоизи) Фарғона вилояти, 23,0 млрд. сўми (14,4 фоизи) Навоий вилояти, 21,6 млрд. сўми (13,5 фоизи) Тошкент шаҳри ҳамда 21,0 млрд. сўми (13,1 фоизи) Сурхондарё вилояти ҳиссасига тўғри келмоқда.

“BARDOSH-BIZNES” МЧЖ

Рўйхат рақами: ЎЗР МБнинг 2013 йил 11 майдаги 22-сонли лицензияси.
Юридик манзил: Тошкент ш., Чилонзор тумани, Олмазор массиви 6/7

БАЛАНС ҲИСОБОТИ
2019 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	ТАРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
АКТИВЛАР			
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	24 350
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	17 184
30	16300	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фойзалар	122 419
50	12401+12405+12409+15701+15705	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмо), брутто	
51	12499+15799	Минус: кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	
52		Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	2 786 380
70	16500	Ассосий воситалар, соф	15 754
80	16600	Номоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа ҳусусий мулклар	
91	16799	а. Минус: Қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	
92		б. Бошқа ҳусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900+16400	Бошқа активлар	97 500
110		Жами активлар (10+20+30+52+70+80+92+100)	3 063 587
МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ			
МАЖБУРИЯТЛАР			
210	21400+21600	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	0
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	22400	Тўланиши лозим бўлган фойзалар	0
240	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	0
250	22800	Муддати узайтирилган даромадлар	0
260	29800	Бошқа мажбуриятлар	380 834
270		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)	380 834
КАПИТАЛ			
310	30301	Устав капитали	500 000
320	30903	Умумий захира фонди	100 000
330	30905	Текинга олинган мулклар	0
350	31203	Тақсимланмаган фойда	0
360	30908	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қиймати-нинг ошган суммаси	0
370	(40000-50000) +/- 31206	Жорий йил фойдаси (зарар)	2 082 752
380		Жами капитал (310+320+330+350+360+370)	2 682 752
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)	3 063 587

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 18 февралдаги АФ № 00202-рақамли лицензиясига эга) “FTF-AUDIT” МЧЖ томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларга мувофиқ тайёрланган.

Микрокредит ташкилоти ҳисоботининг 2019 йил 31 декабрь ҳолати бўйича келтирилган маълумотларнинг тўғрилиги ҳақида аудиторлик хулосаси бор.

Хизматлар лицензияланган.

“ASKO VOSTOK” МЧЖ Суғурта компанияси

(Манзил: Тошкент ш., Хуршид кўчаси, 56 А
15.07.2014 й.даги СФ серияли №00193-сонли лицензия)

Бухгалтерия баланси - 1-сонли шакл - суғурта	
2019 йил 31 декабрда	
АКТИВЛАР	
(минг сўмда)	
Узоқ муддатли активлар	17 392 723,25
Дебиторлар, жами	2 234 182,33
Пул маблағлари	1 250 915,26
Қисқа муддатли инвестициялар	16 850 000,00
Бошқа активлар	2 169 542,15
Жами баланс активи бўйича	39 897 362,99
ПАССИВЛАР	
(минг сўмда)	
Устав капитали	7 529 248,73
Қўшилган капитал	22 135,60
Захира капитали	597 698,80
Тақсимланмаган фойда	3 149 519,23
Мақсадли тушумлар	12 657,00
Суғурта захиралари	23 585 639,95
Жорий мажбуриятлар	5 000 463,68
Жами баланс пассиви бўйича	39 897 362,99

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ
2019 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	ТАРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР			
110	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фойзли даромадлар	0
120	42000	Жисмоний шахсларга берилган микроқаралар бўйича фойзли даромадлар	2 155 010
160	44700+44900	Бошқа фойзли даромадлар	0
170		Жами фойзли даромадлар (110+120+160)	2 155 010
2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР			
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фойзли харажатлар	0
220	53101	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар	0
230	53105+53195+53196	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар	0
240	54400	Лизинг (микрелизинг) бўйича фойзли харажатлар	0
250	54900	Бошқа фойзли харажатлар	0
260		Жами фойзли харажатлар (210+220+230+240+250)	0
310		3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (170-280)	2 155 010
320	56802+56842	Минус: Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330		Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сун соф фойзли даромадлар (310-320)	2 155 010
4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР			
410	45201	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	0
440	45900	Бошқа фойсиз даромадлар	701 606
450		Жами фойсиз даромадлар (410+440)	701 606
5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР			
610	55106	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	28 556
620	55900	Бошқа фойсиз харажатлар	2 945
630		Жами фойсиз харажатлар (610+620)	31 501
600		6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+450-530)	2 825 115
7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР			
710	56100	Ходимлар иш узати ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	345 635
720	56200	Ижара ва тўловот харажатлари	37 506
730	56300	Хизмат сафарлари ва транспорт харажатлари	1 920
740	56400	Маъмурий харажатлар	16 526
750	56500	Репрезентация ва хайрият	7 602
760	56600	Эскириш харажатлари	9 002
770	56700	Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар	38 681
780		Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	456 672
800	56800-56802-56842	8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
900		9. ФОЙДА СОЛИГИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)	2 368 242
10. ФОЙДА СОЛИГИ			
1000	56902	Фойда солигини баҳолаш	285 490
1100		11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)	2 082 752
1110	Дг 31206 Ёки Кт 31206	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	0
1200		12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+1110)	2 082 752

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот - 2
- сонли шакл - суғурта
2019 йил 1 январдан 31 декабргача

	(минг сўмда)
Суғурта хизматлари кўрсатишан даромадлар	21 061 902,85
Суғурта мукофотларининг ялпи йиғими	31 836 493,02
Суғурта хизматлари кўрсатишдан соф тушум	21 061 902,85
Кўрсатилган суғурта хизматларининг таннари	14 856 798,79
Давр харажатлари	9 002 285,79
Ассосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	1 615 424,30
Молиявий фаолиятнинг даромадлари	1 521 350,94
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	140 518,34
Умумҳужалик фаолиятнинг фойдаси (зарари)	199 075,17
Солиқлар ва фойдадан олинган бошқа мажбурий тўловлар	20 213,89
Ҳисобот даврининг соф фойдаси	178 861,28

Мажбурий аудиторлик текшируви асосида тузилган аудиторлик хулосасининг тўлиқ матни, компаниянинг йиллик молиявий ҳисоботи шакли ва унга тегишли тушунтириш хати билан компаниянинг расмий веб саҳифаси: www.askovostok.uz да танишиш мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

БУ ҚИЗИҚ

30 йил
сиз билан бирга!

TURON
BANK

Барқарорлик белгиси!

S&P Global

Халқаро рейтинг агентлиги 2020 йилда

«ТУРОНБАНК» АТБ


рейтинг баҳосини

«В/В»

даражасида тасдиқлаб, истиқболини

«БАРҚАРОР» дея эътироф этди

www.turonbank.uz



turonbank



turonbankuz



turonbank



99895 144-60-00

Хизматлар лицензияланган

ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРГАН ИХТИРОЛАР

Сўз аввалида кашфиёт билан ихтиронинг фарқи ҳақида айтилик. «Кашфиёт» сўзининг маъноси билганингиздек кашф этмоқдир. Масалан, Колумб Америка қитъасини кашф этди деганда Колумб Америка қитъасини бир нарсани бир нарсага қориштириб ясагани эмас, уни излаб топгани тушунилади. Ньютоннинг бутун олам тортишиш қонуни ва Эйнштейннинг нисбийлик назарияси ҳам шунга ўхшаш ҳодиса. Демак, кашфиёт – табиатда олдиндан мавжуд бўлган ҳодисанинг сирини очишдир. Инсон ақли билан яратилган янги бир нарсага эса ихтиро деб аталади. Масалан, компьютер яшаш учун мавжуд бўлган ашёларнинг ҳар бири бир кашфиёт бўлиши мумкин, компьютернинг ўзи эса ўша нарсалар мажмуаси бўлиб инсон закони тухфасидир.

Арренинг биринчи компьютери

Дунёни ўзгартирган ихтиролардан бири бу – компьютер. Олимлар ўтган асрнинг 50 йилларида яратган, дастлабки кезларда баҳайбат машинага ўхшаш бўлган «компьютер»нинг асосий вазифаси космик учиб траекториясини аниқ ҳисоблаб бориш эди. Бу ихтирони дастлаб ҳисоблаш машинаси деб аташди. Ахборот технологиялари бўйича 230 дан ортиқ ихтирога патент олган Стив Жобс компьютер даҳоси, афсонавий одам деган ном олди. Унинг даҳоси туфайли фақат портатив компьютерлар эмас, iPod плеери ва iPhone мобил телефонлари ҳам яратилди.

Космик қорабллар ва сунъий йўлдошларнинг учиб траекториясини, уларнинг космосга кўтарилиш тезлигини тўғри ҳисоблаш, ер қаъридаги долғаларни ўрганиш, табиий фалокатлар содир бўлишини олдиндан аниқлаш ва табиатда содир бўладиган ўзгаришларни кузатиб бориш, фойдали конларни излаб топиш, атом станциялари ишини назорат қилиб бориш – ана инсон компьютерни ихтиро қилгандан сўнг қўлга киритган ютуқларнинг арзимаган қисми.

Мухтасар қилиб айтганда, компьютер соҳасида ихтиролар жуда кўп. Ҳамма гап шундаки, биз ҳам ана шундай жаҳоншумул ихтиролар билан дунёга юзланишимизнинг вақти келган. Зеро, компьютер ва умуман информатика соҳасига тамал тоши қўйган инсон бу- ўзимизнинг аллома бобомиз Ал-Хоразмийдир.

Нодирбек ДАДАМИРЗАЕВ

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ – ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР

Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Шукр ЖАББОР

ОБУНА ВА РЕКЛАМА
БЎЛИМИ РАҲБАРИ
Ўктам АБДУЛЛАЕВ
Тел: +998 90 0264090
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

МУАССИС:

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Ахборот кўмаги

ЎЗА, "Norma Hamkor" МЧЖ
www.finance.uz

Тахририят манзили:

100060. Тошкент ш., Юнусobod т.

Осиё кўчаси 1а

e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,

Чоп этишга тайёрловчи:

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Газета тахририятнинг техник
уқсуналариди саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси" да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат бериллади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кўни чиқади. Буюртма № г 0744 А-1595 Нархи шартнома асосида. Газета АЗ ҳажмда, 4 шартли босма табоқда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 16.06.2020 й., 1 2 3 4 5 6